

Имом Бухорий қадамжосининг янги мажмуаси қурилиши бошланди



18:30 / 15.04.2021 1322

Имом Бухорий қадамжосининг янги мажмуаси қурилиши бошланди. Шу муносабат билан нуронийлар ва зиёлилар билан учрашув бўлди.

Президент мўмин-мусулмонларни, халқимизни муборак Рамазон ойи билан муборакбод этди. Мажмуада амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

- Бу соҳада қилаётган ишларимиздан мақсад - исломга эътиқодимизни, аллома боболаримизга ҳурматимизни илм билан билдириш. Аجدодларимизга муносиб бўлиш биз учун жуда катта бурч, - деди **Шавкат Мирзиёев**.

